

Барқарорлик- университет стратегияси сифатида: Ўзгариш занжири

QS World Merit ташкилоти томонидан "**Барқарорлик- университет стратегияси сифатида: Ўзгариш занжири**" мавзусида халқаро вебинар ташкил қилинди.



Шуни маълум қиламизки жорий йилнинг 21 октябр санасида Буюк Британиянинг QS (Quacquarelli Symonds) World Merit (Жаҳон хизматлари) ташкилоти томонидан "Sustainability as University's Strategy: Chain of Change" -"**Барқарорлик- университет стратегияси сифатида: Ўзгариш занжири**" мавзусида ташкил қилинган халқаро вебинар бўлиб ўтди.



Мазкур вебинарда турли ривожланган давлатларнинг ОТМ раҳбарлари ва халқаро ташкилот вакиллари қатнашишди. Тадбирда ТИКХММИнинг QS бўйича асосий вакили биринчи проректор Проф.Б.С.Мирзаев, М.Реймов ва Г.Эшчановалар қатнашишди. Ушбу учрашув Тошкент вақти билан 17:30да бўлиб ўтди.



Ушбу вебинарда **SDG** (Sustainable Development Goal) Барқарор ривожланиш мақсадлар (БPM) йўлида фаолият юритаётган жамоаларга Буюк Британиянинг QS World Merit ташкилоти томонидан ташкил қилинган амалий воситалар ва ечимларни кашф этиш билан биргаликда ҳар бир ОТМ ўз ўқув даргоҳига мос стратегияни ишлаб чиқишда фикр алмашиш, биргаликда ишлаш ва яқин келажакда ўз иш жойларида жорий этишни йўлга қўйишга эришишдир. Мазкур вебинардан қўзланган мақсад қуйидагилардан иборат эди:

IE ([Instituto de Empresa](#)) халқаро институтидаги Барқарорлик бўлими бошлиғи Изабелла Алказар тақдимотини тинглаш;

- университет DNA (Deoxyribonucleic acid-Дезоксирибонуклеин кислота) таркибида **SDG** Барқарор ривожланиш мақсадларни жорий этишнинг амалий мисоли;

- Ўзаро кичик гуруҳларда (Breaking sessions) вебинарда муҳокама қилинган мавзуга доир муаммолар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Гуруҳларда ўзаро ғоялар алмашинуви ва муҳокамаси, уларни амалий тавсияларга айлантириш.



Шуни таъкидлаш жоизки, Изабелла Алказарнинг IЕ ([Instituto de Empresa](#)) халқаро институтида қўлланилган 10 йиллик стратегияси энг яхши натижа кўрсатганлиги ва барқарорлик масалаларида жамоаларни самарали жалб қилиш йўллари ҳақида атрофлича маълумот келтириб ўтди.



Вебинарда қатнашган ҳар бир ОТМнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, жамоалар билан тажриба алмашган ҳолда- айнан **SDG** Барқарор ривожланиш мақсадларини қайси тури бўйича ишлашнинг долзарблиги қизғин илмий музокаларга сабаб бўлди ва бу каби таклифларни ривожлантириш бўйича турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ушбу QS World Merit ташкилоти томонидан ташкил қилинган Вебинар ташкилотчилари жамоа вакиллари билан келишган ҳолда муайян саналарда шу каби халқаро учрашувларни давом эттиришини билдирди.



Умид қиламизки, бу каби учрашувлар ҳар бир ОТМ учун ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиққан ҳолда QS (Quacquarelli Symonds) халқаро рейтингда олға интилишда, таълим ва тадқиқот соҳаларини янада ривожлантириш орқали халқаро тажрибани амалда унумли қўллашга замин яратади.